



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Хайитов Камолиддин

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети магистранти

БУХОРО ВА САМАРҚАНДНИНГ АНТОНИО ЖЕНКИНСОН КУНДАЛИКЛАРИДАГИ ТАВСИФИ

Аннотация: Мазкур мақолада рус сайёҳи Антонио Женкинсоннинг Бухоро ва Самарқанд ҳудудларига қилган елчилик миссияси, Антонио Женкинсоннинг Бухоро ва Самарқанд ҳудудларидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, савдо мўносабатлари тўғрисида маълумот беради. Бў пайтдаги Бухоро хонлигидаги бошқарув тизими, қўшни давлатлар билан муносабатлари Антонио Женкинсон ва у билан ҳамроҳ бўлган элчилар томонидан батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Бухоро, Самарқанд, Англия, Хитой, Ҳиндистон, козоқ, карвон, харита, пенс.

Маълумки, XV аср охири - XVI аср бошлари Буюк географик кашфиётлар даври бўлиб, ғарбий Европанинг қатор давлатларида: Испания, Португалия, Франция ва айниқса, Англияда капиталистик муносабатлар пайдо бўлишига олиб келди. XV аср охирида ғарбий Европадан Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлининг очилиши натижасида халқаро савдо Ўрта ер денгизидан Атлантика океанига кўчди. Шу мақсадда Европа савдогарлари ва саноатчилари Ўрта Осиёда, Хитойда ва Ҳиндистонда хом-ашё манбалари ва янги бозорлар очишга интилдилар.

Россия эса Волга дарёси бўйлаб Ўрта Осиё орқали Ҳиндистон ва Эронга борадиган савдо йўллари излай бошлади. Бу даврга келиб ташкил топган турли савдо компаниялари (масалан, Англияда «Авантюрист- савдогарлар компанияси») ўзлари учун янги мамлакат ва бозорлар очишга интилдилар.

1555 йил «Москва савдо компанияси» ташкил топди. Бу компания кейинчалик инглиз-рус савдо муносабатларида муҳим роль ўйнади. Машҳур денгиз капитани Ричард Ченслер бошлиқ 1555 йил ноябрда Москвага элчилар юборилди. Рус ҳукумати ва Москва савдогарлари билан музокаралар муаффақиятли якунланди. Россиядаги инглиз савдогарлари катта имтиёзларга эга бўлди. Инглизлар «Москва савдо компанияси» ёрдамида Россия орқали Шарққа - Ўрта Осиё ва Эронга йўл очдилар. 1558-1581 йилларда шарққа етита инглиз элчилиги юборилди. 1567, 1569 ва 1571 йилларда Антонио Женкинсон бошлиқ элчилар Россияга уч марта келдилар.

Антонио Женкинсоннинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда кам. Унинг биринчи саёҳати ёшлик йилларига тўғри келади. 1572 йилгача саёҳатларда бўлган. У истейодли денгизчи ва моҳир савдогар эди. У узоқ вақт «Москва савдо компанияси» хизматида бўлиб, компания топшириқларини муаффақиятли бажариб келган. Инглиз савдо жосуси ва дипломати Антонио Женкинсон (туғилган йили номаълум - 1610 ёки 1611 йил вафот этган) Москва савдо компанияси губернатори Жон Маршнинг куёви бўлган. Европа, Осиё ва Африка бўйлаб кўп саёҳат қилган. У Ливерпуль лордларининг биринчи вакили бўлиб, Англиянинг Иван Грозний ҳукуматидаги элчиси эди. Рус подшоси Иван Грозний руҳсати билан 1558-1559 ва 1562-1564 йилларда Эрон ва Ўрта Осиёда бўлган. Антонио Женкинсон 1566 йил Англиянинг Москвадаги биринчи элчиси бўлди. У дипломатик вазифалардан ташқари бир неча муҳим давлат вазифаларни ҳам бажарган. Антонио Женкинсон саёҳати давомида тузган харитаси “*Russae, Moscoviae et Tartariae Descriptio*” (Россия, Московия ва Татария тавсифи) деб номланиб, Лондонда нашр этилди. Бу харита тарихий ва илмий қимматга эга. Женкинсон тузган харита Абрахам Артелининг “*Ер шарининг манзараси*” (*Teatrum Orbis Terrarum*) атласи нашр этилганда атласга киритилди. Абрахам Артелий (1527-1598) фламанд географи ва картографи ҳисобланади.¹

Савдогар сифатида Антонио Женкинсон 1558-1560 йилларда Ўрта Осиёга келиб, бу ердаги мамлакатлар ва Хитой ва Ҳиндистонга борадиган савдо йўллари ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди. Антонио Женкинсон ва унинг ҳамроҳлари (Ричард ва Роберт Жонсонлар ҳамда таржимон Азиз исмли татар) саёҳати қийинчилик ва хавф-хатар билан 21 ой (1558 йил апрелидан то 1559 йил 2 сентябригача) давом этди. Унинг асосий мақсади Ўрта Осиё орқали Хитой ва Ҳиндистонга савдо йўлларини очиш эди. Лекин у ўша даврдаги Ўрта Осиё хонликларида авж олиб кетган ўзаро маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги ўзаро урушлар туфайли ўз мақсадига эриша олмади.²

Антонио Женкинсон ва унинг ҳамроҳлари катта қийинчиликлар билан 3 ойда (12 декабр 1558 йил - 2 март 1559 йил) Бухоро хонлигида бўлдилар. Сайёҳ шаҳар, унинг ижтимоий - иқтисодий ҳаёти, хон ва унинг ҳарбий кучлари тўғрисида қимматли маълумотлар қолдирган. Хусусан, сайёҳ Бухоро шаҳрини қуйидагича тасвирлайди: «Бухоро шаҳри мамлакатнинг яъни Бухоро хонлигининг қуйи қисмида жойлашган. Атрофи дарвозаларига эга бўлган баланд пахса девор билан ўраб олинган. Шаҳар уч қисмга бўлинади. Унинг икки қисми хонга тегишли. Бир қисми савдогарлар ва бозор учун ажратилган. Ҳар бир хунармандчилик соҳаси ўз ўрнига ва ўз бозорига эга. Шаҳар жуда катта, уйларнинг аксарият қисми пахсадан қилинган. Гиштдан қилинган

¹ Советская историческая энциклопедия. Т. 6. – М. 1965. – С. 514-518.

² Готье Ю. В Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке. – М. “ОГИЗ” 1937. –С. 124.

уйлар ибодатхоналар (масжид) жуда кам. Айниқса, ҳаммомлар шундай мохирлик билан қурилганки, унга ўхшаши дунёда йўқ³.

Шаҳар ўртасида кичкина дарё оқиб ўтади. Унинг суви жуда ифлос. Бу ердан сув ичган отларимиз касал бўлди. Бу ернинг сувини ичиш таъқиқланган. Агар ким сув ичса, қаттиқ жазоланган. Бухорода диний бошлиқ бўлиб, у шаҳарда қонунлар бажарилишини назорат қилади. Халқ ҳокимга нисбатан унга кўпроқ бўйсунди. Хон унинг хоҳишига қараб ҳокимларни ўзгартириб турган⁴. Бухоро давлати қачонлардир форслар ҳокимияти остида бўлган. Шунинг учун уларнинг аксарияти форс тилида гапиришарди. Ҳозир Бухоро мустақил давлат. Бухоро ва форслар ўртасида шафқатсиз диний урушлар бўлиб туради. Бу урушнинг асосий сабабларидан бири форслар мўйловини олмай юради. Бухороликлар фикрича, форсларнинг бу одати катта гуноҳ. Шунинг учун бухороликлар форсларни кофирлар (ўзга эътиқоддагилар) деб атайтиди.

Бухоро ҳокимининг катта мулк ва бойлиги йўқ. Унинг даромади ҳам катта эмас. Асосан шаҳар ҳисобига яшайди. Хунармандлар ва савдогарлар сотадиган товарлардан улуш олиб туради. Қачон унда пул етишмай қолса, ўз амалдорларини маҳсулот олиб келишга ўзга юртларга жўнатади ва ўз қарзларини тўлаш учун савдогарлардан солиқ талаб қилади. Масалан, ҳокимнинг ўзи мендан 19 тўп мато қарз бўлди. Уларда пул кумуш ва мис. Олтин пуллар муомалада йўқ. Улардаги кумуш танга 12 пенсга тенг. Кумуш танга пул деб аталиб, бундай 120 танга 12 пенсга тенг келади. Кумуш тангалар кўпроқ муомалада. Хон ўзининг ҳар ойдаги даромадига қараб кумуш баҳосини ошириб пасайтириб туради. Баъзида ойига икки баробар оширади. Буларнинг ҳаммаси халқнинг қашшоқлашишига ва мамлакат савдогарларнинг инқирозига сабаб бўлмоқда⁵.

Антонио Женкинсон маълумотларидан кўриниб турибдики, Абдуллахон II нафақат савдо билан балки Россия, Туркия ва Англиядаги сиёсий вазият, Европа армияси тузилиши билан ҳам қизиққан. Сайёҳ шундай ёзади: «1558 йил 24 декабрида мен Бухоро хони билан учрашиб, унга рус подшосининг ёрлиғини топширдим. Хон мени яхши кутиб олди ва меҳмон қилди. Хон мендан рус подшоси мулкларини, Рус давлати ва унинг қонунлари ва турк султони ҳақида сўради».

Антонио Женкинсоннинг кундаликларида Бухоро ва Самарқанднинг халқаро савдодаги ўрни тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Женкинсон Бухоро ва Самарқандда бўлган пайтда ҳудуд кучли сиёсий ва иқтисодий инқирозни бошдан кечириётган эди. Мамлакат ўзаро феодал урушлар натижасида таланиб бўлинганди. Бу сиёсий вазият тўғрисида Антонио Женкинсон шундай ёзади: «Бухорода хон кўпи билан икки ёки уч йил ҳукмронлик қилади. Шу давр ичида уни ўлдиради ёки ҳайдаб

³ Муҳиддинов, С. И. (2017). ВП НАЛИВКИН КАК ИССЛЕДОВАТЕЛЬ ЭТНОГРАФИИ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. Наука и мир, 1(5), 72-74.

⁴ Бу ерда Жуйбор хўжаси Муҳаммад Ислом ва Бухоро ҳокими Бурхон султон ҳақида сўз бормоқда. Қаранг. Сағдуллаев А, Аминов Б, Мавлонов Ў, Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи давлат ва жамият тараққиёти. –Т. Академия. 2000. -163 б.

⁵ Абдуллахон II бошқаруви илк йилларида шундай вазият бўлган. Кейинчалик пул ислохоти ўтказиб, олтин тангалар(тангаи хоний) курсини оширди. Қаранг. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). –Т. Шарқ. 2000. -241 б.

юборади. Буларнинг ҳаммаси мамлакатни ва савдогарларни инқирозга олиб келмоқда»⁶.

Бу қийинчилик асосан оддий халқ елкасига тушарди. Деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо инқироз ҳолатида эди. Женкинсоннинг гувоҳлик беришича, «халқ шундай камбағал эдики, чет эл савдогарлари олиб келган товарлар 2-3 йил сотилмай қолиб кетарди. Бу ерда савдодан фойда олишга умид йўқ⁷. Лекин айрим тадқиқотчилар Женкинсон ушбу фикри билан савдода рақобатчи бўлиши мумкин бўлган савдогарларни бу савдодан чалғитмоқчи бўлган бўлса керак деган хулосани беришади⁸.

Шундай бўлсада, чет эл савдогарлари бу ерда фаол савдо қилишади. Ҳиндистондан нозик оқ матолар олиб келинади. Бу матони татарлар (Ўрта Осиё аҳолиси) бошига ўраб юради. Эрондан турли пахта матолар, ипак олиб келинади. Россиядан тери ва тери хом – ашёси, турли идишлар, эгар –жабдуқ олиб келинади. Тинчлик вақтларида Хитойдан атлас ва турли матолар келтирилади. Бухородан юқоридаги мамлакатларга ипак матолар, тери хом-ашёси, отлар (Ҳиндистонга); рус маҳсулотлари, турли миллатга мансуб куллар (Эронга); пахта матолар, ипакнинг турли навлари(Россияга) чиқарилади»⁹.

Ҳар йили кузда Бухоро ва Самарқандда Эрон, Ҳиндистон, Балх, Хитой ва рус давлатидан келган карвонлар тўпланади. Бутун киш давомида шаҳарда савдо авжига чиқади. Фақат эрта баҳорда савдогарлар шаҳарни тарк этади. Антонио Женкинсон Ричард Жонсон билан Бухородан Хитойга борадиган савдо йўллари имкониятларини ўргангани, Астрахондан Хитойгача бўлган масофани ҳисоблаб чиқади. Антонио Женкинсон 1555-1558 йилларда Ўрта Осиё ва Хитой савдосининг аҳволи тўғрисида шундай ёзади: «Бухородан юқорида тилга олинган мамлакатларга (Хитойдан ташқари) маҳсулот чиқарилади. Мен Ўрта Осиёга келганимга 3 йил бўлган бўлса, шу давр ичида Хитойга битта ҳам карвон чиқмади. Бухородан Хитойга карвонлар бормаслиги сабаби шу ораликда яшовчи халқлар ўртасидаги ўзаро урушлардир. Бу шаҳарлар Тошкент ва Қошқар деб аталади. Тошкент билан урушаётган халқлар қозоқлардир. Қошқар билан урушаётган халқлар Кинглар (Қалмиқлар) деб аталади. Бу иккала урушаётган халқлар жуда бойдир. Улар чўлларда яшайди. Уларда шаҳар ва уй йўқ. Бу халқлар карвон йўллари шундай ёпиб қўядики, бу ердан ўтган карвон таланмасдан қолмайди.

Шунинг учун кейинги уч йил давомида Бухородан Хитойга ва Хитойдан Бухорога битта ҳам карвон ўтмади. Иккала давлат ўзаро савдони қўллаб –қувватламайди. Қачондир савдо йўли хавфсиз бўлса, карвон Бухородан Хитойга тўққиз ойда етиб бориши мумкин.

Антонио Женкинсон саёҳати кундалигининг қиммати шундаки, у XVI асрда Ўрта Осиёга келиб, Бухоро ва Хива хонликларининг ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳаёти тўғрисида тўлиқ маълумот бера олган биринчи европалик сайёҳ бўлди. Сайёҳ

⁶ Ахмедов А. История Узбекистана. Т. 3. -Т. «ФАН» 1993. –С. 51.

⁷ Jakhongirovich, I. O. Inoyatovich.M. S. (2021). Samarkand Educational System in the Second Half of the XIX Century and Early XX Century. EFFLATOUNIA-Multidisciplinary Journal, 5(2).

⁸ Юлдашев М.Ю. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XV1 - XVII вв. Ташкент. 1964, С.18-19.

⁹ Панков А. В. К истории торговли Средней Азии с Россией XVI- XVII вв. Т. 1927. – С. 17.

Ўзининг кундалигида Ўрта Осиё географияси ҳақида яхши маълумот берган. Амударё ҳавзасидаги серҳосил ерлар, ўзи дуч келган халқлар, айниқса Бухоро шахрини алоҳида тасвирлашга эътибор берган. Булардан ташқари, сайёҳ ўзи бўлган юртларнинг харитасини ҳам тузиб чиққан. Шунинг учун Антонио Женкинсон кундалиги бир томондан тарихий, иккинчи томондан картографик характерга ҳам эга. Учинчидан, сайёҳ Ўрта Осиё шаҳарлар ва кишлоклари ўртасидаги оралик масофаларни ҳам ўлчаб берган. Гарчи Антонио Женкинсон тузган харитада баъзи бир камчилик ва хатолар бўлсада, харита ўша даврдаги Ўрта Осиёнинг худудларини тасаввур этиш учун етарли даражада.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Советская историческая энциклопедия. Т. 6. - М. 1965. – С. 514-518.
2. Готье Ю. В. Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке. – М. “ОГИЗ” 1937. –С. 124.
3. Мухиддинов, С. И. (2017). ВП НАЛИВКИН КАК ИССЛЕДОВАТЕЛЬ ЭТНОГРАФИИ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. *Наука и мир*, 1(5), 72-74.
4. Бу ерда Жуйбор хўжаси Муҳаммад Ислон ва Бухоро ҳокими Бурхон султон ҳақида сўз бормокда. Қаранг. Сагдуллаев А, Аминов Б, Мавлонов Ў, Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи давлат ва жамият тараққиёти. – Т. Академия. 2000. - 163 б.
5. Абдуллахон II бошқаруви илк йилларида шундай вазият бўлган. Кейинчалик пул ислохати ўтказиб, олтин тангалар(тангаи хоний) курсини оширди. Қаранг. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т., Шарқ. 2000. - 241 б.
6. Ахмедов А. История Узбекистана. Т. 3. -Т. “ФАН” 1993. –С. 51.
7. Готье Ю. В. Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке. -М. “ОГИЗ” 1937. –С. 184.
8. Юлдашев М.Ю. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в ХУ1 - ХVII вв. Ташкент. 1964, С.18-19.
9. Панков А. В.К истории торговли Средней Азии с Россией XVI - ХVII вв. Т. 1927. –С. 17.
10. Jakhongirovich, I. O. Inoyatovich, M. S. (2021). Samarkand Educational System in the Second Half of the XIX Century and Early XX Century. *EFFLATOUNIA-Multidisciplinary Journal*, 5 (2).